

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 7 март, № 49 (4712)

Шанба

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам онахонлар!
Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Гўзал ва бетакрор ўлкамизга баҳорнинг илоҳий нафаси кириб келаётган ушбу дамларда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуг сана — 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Бу ажойиб байрам тисмолида биз, авваламбор, баҳор ва аёл тушунчалари нақадар уйғун ва ҳамоҳанг эканини, бири-бирини қандай чуқур маъно-мазмун билан тўлдирганини беихтиёр хис этамиз. Шу улуг айёмда аёлларимизнинг бекиёс нафосати, ҳусну малохатини ўзимиз учун янгитдан кашф этгандек бўламиз.

Тарихнинг ўзи гувоҳ — аёл шаънига қанчадан-қанча қасидалар, шеър дostonлар битилган бўлмасин, токи дунёда одамзод бор экан, токи она меҳри, аёл муҳаббати барқарор экан, бу азалий ва абадий мавзу ҳеч қачон поёнига етмай. Нега деганда, Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл зоти ҳар қандай юксак ҳурмат ва таҳсинларга муносибдир.

Улуг ватандошимиз Бобур Мирзо, агарки ер юзидagi барча шоирлар юз йил таъриф этганларидан ҳам, аёл латофатининг юздан бирини тараннум этолмайди, деганида, ҳеч шубҳасиз, мулақо ҳақ эди. Ва бундай ҳаққоний эътирофлар, аввало, муқаддас заминимизнинг чирой ва назокатда, вафо ва садоқатда тенгсиз аёлларни назарда тутиб айтилган, десам, уйлайманки, кўпчиликнинг дилидаги фикрни ифода этган бўлам.

Мана шундай шукҳли дамларда биз, авваламбор, барчамизни оқ ювиз, оқ тараб вояга етказган мўтабар она сиймосига таъзим қилиб, ўз фарзандлик эҳтиромимизни баҳо қилтирамиз.

Айни пайтда хонадонларимизга файзу барокат киритадиган, ўзининг нозик елкасида рўзгор ташвишларни беминнат кўтариб келаётган умр йўлдошларимизга, ҳаётимизнинг гули бўлган лобар қизларимизга чексиз меҳр ва ҳурматимизни билдирамиз.

Ҳақиқатан ҳам, олдимизда янги-янги муаммо ва синовлар пайдо бўлаётган ҳозирги фот мураккаб даврда сиз, муҳтарам опа-сингилларимиз ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида — бу давлат ва жамият қурилиши, санаят ёки қишлоқ ҳўжалиги бўладими, таълим-тарбия ёки соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт бўладими — буларнинг барчасида биз билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилиб келаётганимизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, гўзал ва оқила аёлларимиз ўзларининг ақл-идроқи, меҳрибонлиги, сабр-қаноати билан ҳар бир оила, ҳар қайси маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда аҳиллик, меҳр-оқибат, самимият ва поклик муҳитини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаётган

нини бугун яна бир бор миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган кенг қўлмали ишларимиз ўз амалий натижасини бераётгани, албатта, барчамизга мамнуният бағишлайди.

Бугун биз халқимизнинг асрий орзуси бўлган, инсон том маънода эркин, озод ва фаровон яшайдиган фуқаролик жамияти асосларини барпо этар эканмиз, бу эзгу мақсадга эришиш йўлида жонкуяр ва фидойи опа-сингилларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, биз мамлакатимиз хотин-қизларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳаётнинг барча жабҳаларида уларнинг самарали иштирокини кучайтириш, муҳтасар айтганда, аёлларни эъзозлаш ва улуглаш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Чунки аёлни улуглаш — оилани, ҳаётни, Ватанни улуглаш демокдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланганини истардим.

Шу борада 2009 йилнинг ўзида амалга ошираётган режаларимиз, хусусан, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” дастуридан ўрин олган амалий вазифалар — опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ва касаначиликни кенг ривожлантириш, замонавий уй-жойлар, янги-янги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, шуларнинг барчаси ҳисобидан юртимизни янада обод ва фаровон қилиш каби масалалар айнан аёлларимизнинг орзу-интиллари ва мақсад-муддаоларига ғоят ҳамоҳангдир.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен юртимизнинг барча ўғлонларини, биринчи навбатда катта-кичик раҳбарларни мунис опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаётдан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаштини таъминлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишга даъват этмоқчиман.

Азизларим, меҳрибонларим!
Сизларни ўзингиз каби гўзал байрамнинг билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Толенингиз баланд, умрингиз узок, ризку насибангиз доимо бутун бўлсин! Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!

Хонадонларимизни меҳрибонлик нури билан тўлдириб, ҳаётдан мамнун бўлиб, меҳру муҳаббат ардоғида яшаш барчангизга доимо насиб этсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юриштирилган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Зеро, мамлакатимизни янада ривожлантиришда, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг қиёфаси ўзгариб, чирой очиб бораётганида хотин-қизларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланмоқда.

6 март куни хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, фан, таълим, маданият ва санъат соҳасида самарали тақомиллаштириш, шуларнинг барчаси ҳисобидан юртимизни янада обод ва фаровон қилиш каби масалалар айнан аёлларимизнинг орзу-интиллари ва мақсад-муддаоларига ғоят ҳамоҳангдир.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен юртимизнинг барча ўғлонларини, биринчи навбатда катта-кичик раҳбарларни мунис опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаётдан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаштини таъминлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишга даъват этмоқчиман.

Азизларим, меҳрибонларим!
Сизларни ўзингиз каби гўзал байрамнинг билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Толенингиз баланд, умрингиз узок, ризку насибангиз доимо бутун бўлсин! Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!

Хонадонларимизни меҳрибонлик нури билан тўлдириб, ҳаётдан мамнун бўлиб, меҳру муҳаббат ардоғида яшаш барчангизга доимо насиб этсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ри бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидagi Давлат мукофоти соҳибалари, жамоатчилик вакиллари тақдиф этилди.

Сарой фойесида «Кўли гулдир Ўзбек аёли» деб номланган кўрғазма ташкил этилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўрғазмага юртимизнинг барча ҳудудларида самарали фаолият кўрсатаётган рассом ва ҳунарманд аёлларнинг ижод намуналари қўйилган. Санъатнинг барча соҳалари каби бадий ижод ва миллий ҳунармандлик йўналишида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги ижодий пар-

возлар сари даъват этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар мазкур кўрғазмада ҳам ўз ифодасини топган. Бу ерда рассомлик билан бирга миллий ҳунармандликнинг каштачилик, чеварлик, кулоллик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишларида фаолият олиб бораётган аёлларнинг ижоди билан танишиш мумкин.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).

ДИЛАФРЎЗ ВА ФЕРУЗА — «КАМОЛОТ» МАЛИКАЛАРИ

“Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуасида стол тенниси бўйича “Камолот” маликаси мусобақаларининг финал босқичи якунланди. Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Урта махсус, кесб-ҳунар таълими маркази, “Маҳалла” ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда танловнинг вилоят босқичларида гўлиб чиққан эллик олти нафар қиз ўзаро куч синашди.

Улғайиб келаётган авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамол этиб вояга етказиш Президентимиз Ислом Каримов юриштирилган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Бу борадаги ислохотлар жараёнида навқирон авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Наманган вилоятининг

Чуст туманидаги 9-мактаб стол тенниси тўғрагида қатнашаётган спортчи қизлар мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги танловларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

15 ёшли Дилафрўз Жумаева — ана шундай иқтидорли ёшлардан бири. У “Умид ниҳоллари” ва бошқа спорт мусобақаларида совринли ўринларга сазовор бўлган. Дилафрўз Жумаева 15-16 ёшли қизлар орасида “Камолот” маликаси мусобақаси финал босқичининг гўлиби бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Самарқанд шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги, уларнинг минтақавий ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш масалалари бўйича гуруҳи ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг доимий комиссиялари раислари иштирокида қўшма йиғилиш бўлиб ўтди.

ЖОНКУЯРЛИК ВА ФАОЛЛИК

маҳаллий кенгашларнинг халққа яқинлаштиради

Қўшма мажлисда вилоятдан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари доимий комиссиялари раислари, шаҳар ва туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Унда халқ депутатлари Самарқанд вилояти, шаҳар ва туман кенгашларининг 2005-2008 йиллардаги фаолиятини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди. Кўп тартибдаги масала юзасидан Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ф. Алиев сўзга чиқди. Йиғилишда таъкидланганидек, Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида Президентимиз маҳаллий кенгашлар депутатлари фаолиятини кучайтириш муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Эндиликда Олий Мажлиси Сенати маҳаллий кенгашлар фаолиятига амалий ёрдам кўрсатиб келаяпти. Сенат кўмиталарининг маҳаллий кенгашлар билан қўшма мажлислар ўтказиши одатий ҳолга айланди. Бундай ҳамкорлик тўғрисида вилоят, шаҳар ва туман кен-

гашлари фаолияти сезиларли даражада жонланди. Лекин шундай бўлишига қарамай, уларнинг ишини ҳали талаб даражасида деб бўлмайди.

Кўпчилик номзодлар сайловлар арафасида фаол бўлса-да, депутатлика сайланган, бу сезилмай қолаяпти. Сессиялар кун тартибига масалалар киритишда доимий комиссияларнинг жонкуярлиги сезилмаётти. Туман ва шаҳар кенгашлари депутатларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари ниҳоятда кам. Улар қабул қилинаётган қонунлар моҳиятини халқ онига етказишда сустанлик қилишаётди.

Йиғилишда асосий мақсад навбатдаги вазифаларга, нималарга эътибор қаратиш, қандай чора-тадбирлар белгилашга қаратилди. Бу ҳақда депутатлар ўз мулоҳазаларини баён этишди.

— Олий Мажлиси томонидан қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз фармонлари ва қарорлари мазмун-моҳиятини халқ онига етказишда ахборот-ресурс марказлари энг муҳим восита бўлмоқда, — деди Каттақўрғон тумани кенгаши

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, БМТнинг Ривожланиш дастури ва Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида «Бахтли бўлиш учун яралган аёл» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Бахтли бўлиш учун яралган

Президентимизнинг “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган ушбу тадбирда аёлларнинг жамиятдаги сиёсий фаолликлари, оилада тутган ўрни, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган турли теле, аудио ва босма асарлар намойиш этилди.

М. ХОЛМАТОВА.

Андижон вилояти тижорат банкларининг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўзида давр талабларига жавоб берадиган 69 та минимаркет куриб, фойдаланишга топширилди.

Замонавий минимаркетлар

Мавжуд 138 та дўكانда эса қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу минимаркетларда “Матлубот-савдо” акциядорлик компанияси томонидан терминал ўрна-тилиб, пластик картончада савдо қилиш йўлга қўйилди.

Наврўз байрами арафасида бундай замонавий минимаркетлар сонини яна 50 тага кўпайди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

Фарғонада “Энг фаол маънавий тарғиботчи” танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Навбат — Республика босқичига

Қизгин баҳслардан сўнг Қува тумани халқ таълими бўлимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича услубчиси Х. Обидова гўлиб деб топилди. Энди у танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

С. НАБИЕВ.

КАСАНАЧИЛАР САФИ ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН КЕНГАЙМОҚДА

2008 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналари билан операция асосида касаначиликнинг турли шакллари жорий қилиш ҳисобига 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

Пировардида бу фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш, уларнинг оила бюджети даромадларини ошириш имконини берди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

Боқсаалар, янгиликлар, хабарлар

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

Давлат акциядорлик компанияси

мухтарам оналар, азиз аёллар,
қадрли опа-сингилларни

8 Март

байрами билан
самимий муборақбод этади.

Мамлакатимизнинг доно,
фидойи, садоқатли вафода тенгсиз аёлларига
йўзаллик байрами қутлуғ бўлсин!
Ҳаммаларига янада фаровон
ва йўзал ҳаёт, булуғидан-да
бахтли иқбол насиб этсин!

Яхши хабарлар

**Онахонлар
ҳурматда**

Андижон вилояти хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан юрт раънақиға хисса қўшган, ёш авлод тарбиясида ўзига хос мактаб яратган табаррук ёшли онахонларни йўқлаш, уларнинг хурматларини жойига қўйиш мақсадида "Табаррук онахонларимизни эъзозлайлик" деб номланган саҳоват акцияси ўтказилмоқда. Ташаббускорларнинг саъй-ҳаракати тўғрисида вилоят туманларида яшаётган юз ва ундан улуғ ёшли онахонларни аниқлаб, уларга ташкилотчиларнинг совға-саломлари топширилди.

— Биз кексаларга кўрсатилаётган эъзоздан мамнунмиз, — дейди Андижон тумани Ҳакан қишлоғида яшовчи 100 ёшли Момохон буви Қосимова. — Юртимизга, тинчлигимизга кўз тегмасин.

Зумрадхон
АБДУЛЛАЕВА.

**Фермерлар учун
бўтловчи қисмлар**

Қишлоқ хўжалик машиналарини созлашга ихтисослашган "Шўрчи таъмирлаш заводи" масъулияти чекланган жамияти аъзолари культиватор ва сеялка агрегатларининг бутловчи қисмларини тайёрлашга киришдилар. Корхонанинг чўян эритиш цехида ишчи органлари қотирилладиган таянч тиргаклари, учлик, лапка, наралниклар ишлаб чиқарилмоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

**Халқаро Қизил Хоч кўмитаси (СХҚК)нинг
Марказий Осиёдаги
минтақавий ваколатхонаси**

ICRC

*Ўзбекистон хотин-қизларини
8 Март билан таъриқлайди!*

**Хурматли аёллар! Сизларга бахт-саодат,
сиҳат-саломатлик, шахсий ҳаётингиз
ва касб-корингизда омад, шунингдек, баҳорий
аъло кайфият тилаймиз!**

**Қалбингиз доимо муҳаббат ва шодонлик билан
тўла бўлиб, омад ва фаровонлик сизга
доимий ҳамроҳ бўлсин!**

Тошкент шаҳри, Абдурашидов кўчаси, 28-уй.
Телефонлар: 120-52-90/91/92/93.
E-mail: tashkent.tac@icrc.org
www.icrc.org/rus

ОБ-ҲАВО (7 март)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёғингарчилик бўлиши мумкин. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалди роқ бўлиши кутилмоқда. Тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 2-7, кундузи 8-13 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб ёғади, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғади, момақалди роқ бўлиши мумкин. Кечаси 2-4, кундузи 5-7 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

2009 йил 9 апрель **Э Ў Л О Н!** **соат 10.00 да**

ВШ-724	Қўқон — Наманган, Наманган томонидан	ВШ-1031	Ғиждувон — Зарафшон, икки томондан
ВШ-736	Дўстлик — Тошкент, икки томондан	ВШ-1090	Ҳазорасп — Тошкент, икки томондан
ВШ-745	Пахтакор — Тошкент, икки томондан	ВШ-1095	Қумқўрғон — Тошкент, икки томондан
ВШ-753	Андижон — Наманган, икки томондан	ВШ-713_T	Зарафшон — Тошкент, икки томондан
ВШ-776	Қарши — Термиз, Термиз томонидан	ВШ-927_T	Тошкент — Қорақўл, икки томондан
ВШ-788	Гулистон — Тошкент, икки томондан	1056_T	Хўжайли — Тошкент, Хўжайли томонидан
ВШ-800	Ангрен — Самарқанд, икки томондан	ВШ-709-ЙТ	Тошкент — Янгийер, икки томондан
ВШ-825	Сирдарё — Бўка, икки томондан	ВШ-736-ЙТ	Тошкент — Дўстлик, икки томондан
ВШ-826	Нукус — Самарқанд, Самарқанд томонидан	ВШ-745-ЙТ	Тошкент — Пахтакор, икки томондан
ВШ-841	Арнасой — Тошкент, Тошкент томонидан	ВШ-753-ЙТ	Андижон — Наманган, икки томондан
ВШ-848	Самарқанд — Термиз, Термиз томонидан	ВШ-769-ЙТ	Тошкент — Сирдарё, икки томондан
ВШ-889	Дўстлик — Челақ, Дўстлик томонидан	ВШ-969-ЙТ	Зомин — Гулистон, икки томондан
ВШ-894	Жўш — Тошкент, икки томондан	ВШ-972-ЙТ	Дўстлик — Гулистон, икки томондан
ВШ-943	Нуробод — Тошкент, икки томондан	ВШ-1098-ЙТ	Ғиждувон — Навоий, Ғиждувон томонидан
ВШ-945	Урганч — Шахрисабз, Шахрисабз томонидан	ВШ-1105-ЙТ	Дўстлик — Самарқанд, икки томондан
ВШ-1026	Ургут — Урганч, икки томондан		

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади.

Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очик тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **Идоралараро комиссия**.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй.

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **Идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 2021000000745005012 махсус х/р (банк коди 00446, ИИН 202811527, ХХТУТ 97300)га 35 минг сўм ўтказиб, 2009 йил 3 апрелгача буюртма беришлари лозим.



Идоралараро комиссия тендер тақлифларини 2009 йил 8 апрель кўни соат 13.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиладиган манзил:
Тошкент ш., Шайхонтоҳур к., 3-уй,
Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефонлар: 241-56-27, 241-18-10.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га
Э Ў Л О Н Л А Р
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона

E-mail: Xalk_soziga@mail.ru

ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти жамоаси лаборатория мудири, т.ф.д., профессор **Рашид Маматхонович ОТАХОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

«Ер-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси жамоаси уюшма раисининг биринчи ўринбосари Валерий Журавега қизи **Наргиза Жўраева**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва тармоқ касба уюшма кўмитаси компания Ахборот ҳисоблаш маркази бошлиғи Фуод Баҳодировга волидан мухтарамаси **НАИМА алия**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

